



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида Беларусь делегациясига бошчилик қилаётган Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченкони қабул қилди.

2019 йил август ойида Беларусга қилинган олий даражадаги ташрифда эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали ҳамкорлиги ривожига юқори суръат кузатилаётгани

мамнуният билан қайд этилди. Жумладан, ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор ўсиб, жорий йил бошидан буён 57 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси кенгайиб бормоқда.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва мутаносиблигини таъминлаш, жумладан, бунга қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш, савдо уйлари тармоғини ривожлантириш орқали эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди. Худудлараро ҳамкорлик салоҳиятини рўйбга чиқариш, инновацион

дастурлар ва маданий-гуманитар аламинувни биргаликда қўллаб-қувватлаш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича икки

мамлакат ҳукуматлари томонидан “йўл харитаси” қабул қилиниши юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Россия делегацияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини

кўпайтириш, инвестиция дастурларини амалга ошириш ва янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат худудлари кооперацияси учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

Машинасозлик, металлургия, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, кимё ва фармацевтика тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Тошкент

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 60-сон Фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланди.

Сўнгги беш йил давомида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва гўдаклар ўлимининг камайишига эришилди.

Шу билан бирга, олис худудларда тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини ошириш

амбулатор ёрдамни янада яхшилаш, шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббий генетика ҳамда замонавий скрининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар 2022-2026 йилларда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар: Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узоқ масофада жойлашган маҳаллаларда 2022 йил давомида маҳалла тиббиёт

пунктларини ташкил этиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев, А.Иноятов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ – 6110-сон Фармони билан тасдиқланган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этиш жадвалига мувофиқ 2022 йилда 136 та янги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда 2023 йилда яна 140 та янги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СПИНАЛ МУШАК АТРОФИЯСИ ТАШХИСИ ҚЎЙИЛГАН БЕМОР БОЛАЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕПУЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болалар давлат томонидан тиббий-ижтимоий ёрдам доирасида патогенетик дорилар, тиббий ва ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация техник воситалари билан кафолатли таъминлансин;

спинал мушак атрофияси касаллиги бўйича хавф гуруҳидаги ҳомиладор аёллар Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги худудий марказларида, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази қошида ташкил этилаётган замонавий молекуляр-генетик Миллий референс лабораторияси ва унинг худудий филиалларида дастлабки ҳамда келгусида уни даволаш стратегиясини белгилаш мақсадида бепул диагностикадан ўтказилади. Бунда, ҳомиладор аёллар яшаш жойи бўйича кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидagi “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” йўлланмалари асосида юборилади.

2. 2022 йил 1 июлдан бошлаб спинал мушак атрофияси клиник диагнозига эга бўлган оилаларнинг Ягона миллий реестри (кейинги ўринда — Ягона миллий реестр) юритилади ва оилаларнинг клиник ҳамда молекуляр-генетик диагностикадан келиб чиқиб шакллантириб борилади.

Белгилансинки, Ягона миллий реестр Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги худудий марказларида ўзаро электрон маълумот алмашинуви асосида юритилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) 2022 йил 1 июлга қадар:

а) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда Ягона миллий реестрнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқсин.

Бунда, спинал мушак атрофияси клиник аломатларига эга бўлган болалар, уларнинг клиник ташхислари, клиник ташхиснинг молекуляр-генетик усуллар билан тасдиқланган ҳулосалари, оила аъзоларининг ген ташувчилиги тасдиқланганлар ҳамда ушбу касаллик билан туғилишнинг олдини олишга қаратилган чоралар бўйича маълумотлар электрон базаси юритилади;

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

а) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларини амалиётга жорий этиш, шу жумладан:

соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;

болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан беғул таъминлаш ҳамда мақсадли скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикасини олиб бориш;

б) 2022-2026 йилларда оналар ва болалар муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

в) диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш.

2. 2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутуви тақдифларига розилик берилсин:

қуйидагиларни:

Нукус шаҳрида “**Болалар тиббиёт кластери**”;

янгидан ташкил этилаётган **46 та** туманлараро перинатал марказларда **чақалоқлар реанимацияси бўлими**;

2022 йил 1 майдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шунингдек, Тошкент шаҳри оилавий поликлиникаларида **болалар бўлими**;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида амалдаги штат бирликлари доирасида **болалар анестезиология-реанимация бўлимлари** ҳамда кечая кундуз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи **педиатрия постлари**;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида болаларда ирсий-генетик, шу жумладан, орфан касалликларга барвақт ташхис қўйиш бўйича **Референс лаборатория** ва худудларда **унинг 17 та минтақавий лабораторияларини** ташкил этиш;

Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар перинатал марказлари ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида 2022-2023 йилларда жами **29 та** шошилинч перинатал ҳамда шошилинч педиатрик мобиль **навбатчи реанимацион бригадалар** фаолиятини йўлга қўйиш;

янги туғилган чақалоқларда эшитиш нуқсонларини эрта аниқлашга қаратилган **аудиоскрининг тадбирларини** Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва худудлардаги барча туғуруқ комплексларида татбиқ этиш;

аудиоскрининг тадбирлари натижаларини таҳлил қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган электрон кузатув (**трекинг**) **марказларини** жиҳозлаш.

Белгилансинки:

а) Нукус шаҳридаги “Болалар тиббиёт кластери” Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази биноси янгидан қуриш орқали ташкил этилади.

Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси ва Болалар стоматология поликлиникаси “Болалар тиббиёт кластери” таркибига киритилиб, ягона бошқарув йўлга қўйилади;

“Болалар тиббиёт кластери” биноси 2023 йил якунига қадар фойдаланишга топширилади;

б) **46 та** туманлараро перинатал марказларда 6 ўриндан кам бўлмаган чақалоқлар реанима-

цияси бўлими қўшимча штат бирликлари ажратиш ҳисобидан ташкил этилади;

в) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шунингдек, Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида ташкил этиладиган болалар бўлими мавжуд штат бирликлари доирасида шакллантирилади ва унда педиатрия йўналиши бўйича барча тор соҳа мутахассислари, мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатиш учун шифокор-педиатрлар, болалар шифокор-гинекологи, тегишли ўрта тиббиёт ходимлари, вакцинация хонаси ходимлари, “тиббиёт бригадалари”даги педиатрия ҳамширалари фаолият юритади;

г) шошилинч перинатал ҳамда шошилинч педиатрик мобиль навбатчи реанимацион бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш учун кечая кундуз фаолият юритадиган қўшимча навбатчилик постлари ташкил этилади.

4. Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан болалар ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни янада сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш учун **2022 йил 1 июлдан** бошлаб “тиббиёт бригадалари” таркибига қўшимча **3 600 та, 2023 йил 1 январдан** бошлаб яна қўшимча **4 900 та** ўрта тиббиёт ходимлари (педиатрия ҳамшираси ва доя) штатлари ажратилсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда икки ой муддатда оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари тизимига қўшилиши кўзда тутилган янги штатлардан келиб чиқиб, штат меъёрларини қайта қўриб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ – 4513-сон қарори билан ташкил этилган Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши (А.Н. Арипов);

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ҳамда чора-тадбирларнинг бажарилишини доимий назорат қилсин;

ҳар чорақда амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар бир вилоят, туман (шаҳар) кесимида маълумот тақдим этиб борсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Репродуктив саломатлик, оналик ва болалик масалалари бўйича” республика штаби, 14 та худудий штатлар фаолиятини йўлга қўйсин.

Худудларда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат фаолиятини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш штабнинг асосий вазифалари ҳисоблансин.

7. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳудудида илм қўчириш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида 2022 йилда янги махсус амалиёт комплексининг биносини қуриш ва жиҳозлаш учун Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармасидан зарур маблағ ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 апрель	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки:

оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган тақдифларига мувофиқ **маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда **ташкил қилинади**;

худудларда оилавий шифокор пунктлари тармоғини янада кенгайтириш учун **2023 йил 1 январдан** бошлаб жойлардаги оилавий поликлиника филиаллари негизида **оилавий шифокор пунктлари** ташкил этилади;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида **кундузги стационар иш вақти соат 20:00 га** қадар узайтирилади ҳамда уларда ишловчи тиббиёт ходимлари учун 2022 йил 1 июндан бошлаб қўшимча **устама ҳақи** белгиланади;

2022 йил 1 майдан бошлаб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан олис масофада жойлашган маҳаллаларда **маҳалла тиббиёт пунктлари** ташкил этилади;

аҳолининг **профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлари ва патронаж хизмати** фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ва белгиланган муддатларда амалга оширилади, бошқа ташкилотларнинг ушбу жараёнга аралашувига йўл қўйилмайди.

4. **2022 йил 1 июлдан** бошлаб олис ва чекка худудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун “**Қишлоқ шифокори**” **дастури** тақомиллаштирилсин. Бунда янгиланган “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида:

олис ва чекка худудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган **барча шифокорлар** ойлик иш ҳақига қўшимча **2 миллион сўм** миқдориди

ҳар ойлик **устама белгиланади** ҳамда уларга **ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **500 баробаридан ошмаган** миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **қолаб берилади**;

олис ва чекка худудларда узлуксиз **уч йил** ишлаган шифокорлар клиник ординатурага **тест синовларисиз қабул қилинади**.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги шифокорларга бўлган талабни **маҳаллалар кесимида аниқлаш, шифокорларни жалб этиш** ва эҳтиёжга кўра келгусида уларга **уй-жой ажратиш** чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда **янгиланган олис ва чекка худудлар рўйхатини** тасдиқласин.

5. **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб шифокорларнинг **якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини** юритишга рўхсат берилсин.

Белгилансинки:

якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш учун **алоҳида тиббиёт муассасаси очиш талаб этилмайди** ва ушбу тоифадаги шифокорларга **ўз уйида ёки ижарага олинган бинода тиббий хизматлар кўрсатишга рўхсат берилади**;

якка тартибдаги оилавий шифокорларга ўзига бириктирилган аҳолига беғул кўрсатилаётган хизматлар учун тўлов **Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали берилади**;

якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш тажрибаси дастлаб 2022 йил якунига қадар **Сирдарё вилоятида**, кейинчалик эса босқичма-босқич бошқа худудларда жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов)

билан биргаликда уч ой муддатда якка тартибдаги оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш талаблари ва унинг фаолиятини молиялаштириш тартибини тасдиқласин ҳамда амалиётга жорий қилсин.

6. **Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида** давлат томонидан қафолатланган беғул тиббий хизмат турларидан ташқари **хизмат турларини пуллик асосда ташкил этишга рўхсат берилсин**.

Белгилансинки, пуллик хизматлардан келиб тушган маблағларнинг **75 фоизгача** бўлган қисми туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг тиббиёт ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

7. 2022 йил 1 августдан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича **янги рейтинг тизими** жорий қилинсин. Бунда:

худудда **ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойиллари**га риоя этиш, **жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология** каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезонлар бўлади;

ҳар олти ойда икковий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилади ҳамда энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси **мукофот ва қимматбаҳо совғалар** билан тақдирланади;

ушбу тизим 2022 йилда Тошкент шаҳрининг **Олмасор туманидаги 11 та** ҳамда Наманган вилоятининг **Уйчи туманидаги 12 та** оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларда, 2023 йилдан бошлаб **босқичма-босқич барча худудларда жорий этилади**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда **ҳар бир худуд аҳолисининг тиббиёт кўрсаткичларидан келиб чиқиб**, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича янги рейтинг тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.

8. **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб тиббиёт тизими раҳбарларининг **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериш** тартиби жорий қилинсин.

Белгилансинки:

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирлари **маҳалла фуқаролар йиғинларида**;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари **халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида**;

вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари **халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот беради**.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О.Фозилкаримов) 2022 йил 1 октябрга қадар **бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидаги тиббий жиҳозларни хатловдан ўтказсин**. Бунда:

носоз тиббий жиҳозларни аниқлаб, уларни соз ҳолатга келтириш ёки янги-сия ағлаштириш учун **зарур маблағларни ҳисоб-китоб қилиш**;

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тиббий жиҳозлар ҳисобини ва назоратини юритиш бўйича **электрон дастур (платформа)ни 2022 йилда Сирдарё вилоятида тажриба тариқасида жорий этиш** ҳамда тажриба натижалари бўйича 2023 йилдан бошқа худудларга босқичма-босқич татбиқ этиш чораларини кўрсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) хатлов натижасидан келиб чиқиб, тиббий жиҳозларни (физиотерапевтик, лаборатор, текширув ва бошқалар) соз ҳолатга келтириш ёки янгилаш учун зарур **маблағларни ажратиш бўйича тақдиф киритсин**.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Ахборот технологиялари ва коммунал-қияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда **2022 йил 1 ноябрга қадар** давлат томонидан аҳолига беғул кўрсатиладиган тиббий

хизматлар ва бериладиган дори воситалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш имконини берувчи **мобиль иловани** яратсин ва амалиётга жорий қилсин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил якунига қадар **Андижон, Бухоро ва Хоразм** вилоятларидаги тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларининг нейрохирургия бўлимлари негизида юридик мақомга эга бўлмаган **худудлараро нейрохирургик марказларни** ташкил этсин.

11. Ўз маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган, шахсий намуна кўрсатган тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари учун “**Халқ саломатлиги посбони**” **кукрак нишони** таъсис этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) **икки ой муддатда** “Халқ саломатлиги посбони” **кукрак нишони** тўғрисидаги низоом лойиҳасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 июндан** бошлаб қон билан bevосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини **гепатит “В”** касаллигига қарши **беғул эмлаш амалиёти жорий этилади**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда ҳар йили **1 000 нафаргача** имтиёзга эга бўлмаган, узоқ йиллар давомида

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тиббиёт ходимларини даволашга юбориш тартибини тасдиқласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга маъсул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **Б.А.Мусаев**, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **А.Ш.Иноятов**, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **О.Р.Фозилкаримов**, Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ижро этувчи директори **Ф.Р.Шарипов**, **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун маъсул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 апрель	

2022 йил 1 майдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган бемор болаларга қаровчи шахслар (ота-она ва бошқалар) учун **беғул овқатланиш йўлга қўйилсин**.

8. Молия вазирлиги ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун ҳар йили Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда 2022-2025 йиллар давомида 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг грант ва кредит маблағларини жалб қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдифлар киритсин.

12. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга маъсул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун маъсул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 апрель	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

СПИНАЛ МУШАК АТРОФИЯСИ ТАШХИСИ ҚЎЙИЛГАН БЕМОР БОЛАЛАРГА ТИББІЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕПУЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ягона миллий регистрнинг самарали юритилиши учун Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **компьютер техникаси ва Интернет алоқаси билан таъминласин**;

в) Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказлари ҳодимларида Ягона миллий регистрнинг дастурий таъминотида ишлаш кўнимасини ҳосил қилиши мақсадида ўқув-амалий курсларни ташкил қилсин.

3. Белгилансинки, **2023 йил 1 июлдан бошлаб** никоҳланувчи шахслар ўз ҳисобидан Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларига таширф буюриш орқали **Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг лабораториясида** молекуляр-генетик тестдан ўтказилади.

Бунда, спинал мушак атрофиясининг ген ташувчилиги тасдиқланган никоҳланувчи шахсларнинг маълумотлари Ягона миллий регистрга киритиб борилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Маҳалла ва нурунийларни қўлаб-қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев) билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар** никоҳланувчи шахсларни молекуляр-генетик тестдан ҳамда ҳомиладор аёллардан молекуляр-генетик диагностика учун олинган биоматериални лаборатор текширувдан ўтказиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни даволаш, уларнинг муолажаларини кузатиб бориш мақсадида **шифокорлар консилиумларини ташкил этиш бўйича юқори малакали мутахассислардан иборат доимий фаолият кўрсатувчи гуруҳ** тuzилади.

5. **2022 йил 1 майдан бошлаб** спинал мушак атрофияси касаллиги ташхиси тасдиқланган бемор болалар учун:

У.К.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида **респиратор қўлаб-қувватлаш талаб этилмаган** даволанувчи

болаларнинг реабилитацияси учун мавжуд ўринлар сони доирасида 10 та стационар ўрин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида **мультидисциплинар (невролог, педиатр, реаниматолог, пульмонолог, ортопед, хирург) текширув ва даволаш (оператив контрактуралар ва суяк деформацияларини тўғрилаш) жараёни** ташкил этилсин.

6. Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни даволаш учун маблағларни жамлаш, шу жумладан, **хайрия ва ҳомийлик маблағларини жалб қилиш мақсадида** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўлаб-қувватлаш жамғармасини** (кейинги ўринда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни **дори воситалари билан даволаш, тиббий, реабилитацион, паллиатив**, шу жумладан, **юқори технологияли ихтисослашган амалиёт тадбирларини** молиялаштиришга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **бир ой муддатда** Жамғарма фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин.

7. Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларнинг патогенетик терапияси учун зарур дори воситаларининг хариди Давлат бюджети ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда, ушбу мақсадлар учун **2022 йилда** Давлат бюджети ҳисобидан қўшимча **85 миллиард сўм** ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан **30 миллиард сўм** ажратилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О.Ғозилқаримов) икки ой муддатда спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларнинг **патогенетик терапияси учун зарур дори воситалари хараидини ташкил қилсин**.

Бунда, дори воситаларини Республика “Она ва бола скрининг” маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказлари томонидан **беморларга етказиш тизими жорий этилади**.

Соғлиқни сақлаш вазири (Б.Мусаев) дори воситалари хараидини ташкил қилиш ва **уларнинг беморларга ўз вақтида, мақсадли ва манзилли етказиб берилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин**.

9. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

бир ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур бўлган реабилитация техник воситалари рўйхатини тuzсин. Бунда, махсус тренажёрлар, вертикализаторлар, ортопедик кресло-кояскалар, корсетлар, тутор ва ортезлар, пульсоксиметрлар, Амбу көпчалари, тиббий аспираторлар, ВІРАР аппаратлари, кислород концентраторлари, трахеостомалар, гастростомалар ва бошқа воситалар инobatта олинсин;

2022 йил 1 июнга қадар спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган уй шарoитида даволанаётган бемор болаларни реабилитация техник во-

ситалари билан таъминлаш ва уларга мазкур воситаларни бепул ижарага бериш тизимини назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **Б.А.Мусаев** ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори **А.К.Инаков** белгилансин.

12. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочни ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 апрель

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯҚИН ВА УЗОҚ ИСТИҚБОЛИ

Тошкент шаҳрида 25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченко бошчилигидаги ҳукумат делегациялари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда кенг қўламли ҳамкорликни, жумладан, савдо-иқтисодий, sanoat, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳаларда янада ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Беларусь анъанавий равишда Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли савдо шериги бўлиб келган. Мамлакатларимиз иқтисодий ёки бир-бирини тўлдирди. 2021 йил икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 377 миллион долларни ташкил этди. Жорий йил бу кўрсаткич 500 миллион долларга етказиш бўйича саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Сўнгги пайтда Беларусь ишбилармон доиралари вакилларининг мамлакатимизга қизиқиши кескин ортди. Айни жараёнда маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорга чиқиши учун тенг шароит яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Мавжуд шериклик қўшма sanoat кооперацияси, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик ва озиқ-овқат sanoati, фармацевтика ҳамда машинасозлик соҳаларида ҳам кенгаймоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон билан Беларусь ҳамкорлигини ривожлантиришда фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлиги, ўзарo савдонинг фаоллаштириш мақсадида мамлакатларимизда савдо уйлари ташкил этиш мақсадига мувофиқлиги билдирилди.

Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам бирдек манфаатли экани қайд этилди. Бунда барча транспорт турларида оқ ташқи шун зарур шарт-шарoит яратиш, ҳудудлар юқори транспорт воситаларининг тўсиқсиз транзитини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

Беларусь Бош вазирининг юртимизга таширфи давомида ҳукумат раҳбарлари “Технопарк” мажмуасига ҳам бориб, бу ердаги ишлаб чиқариш тармоқлари билан яқиндан танишди.

Икки давлат вакиллари Марказий Осиёда sanoat кооперациясини кенгайтириш, янги ривожланиш нуқталарини аниқлаш, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида жорий этилган “Иннопром. Марказий Осиё – 2022” халқарo sanoat кўргазмасида ҳам иштирок этди.

Музокаралар натижасида илм-фан, таълим, маданият, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кўплаб келишувларга эришилди.

Имзоланган ҳужжатлар кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини яқин ва узоқ истиқболда жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Уллубек МАҲМИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири

ИННОПРОМ – 2022

ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ, ЎЗАРО КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Жорий ҳафта пойтахтимизда йирик sanoat кўргазмаси очилиши билан бошланди. 25 апрель куни “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида старт олган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро кўргазмасида дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган турли соҳа вакиллари меҳмон бўлиб турибди. Уч кун давомида иштирокчиларнинг профессионал мулоқот майдонига айланадиган тадбир юртимизнинг иқтисодий, инвестициявий, sanoat ҳаётидаги яна бир муҳим воқеадир.



Музеффар Абдуллаев олган суратлар.

Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Венгрия, Франция, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан 200 га яқин хорижий компания ва бизнес делегацияси, 1300 дан зиёд жисмоний шахс қатнашмоқда. Иштирокчи давлатлар кўргазма майдонининг металлургия ва материаллар, sanoat автоматлаштирилиши, машинасозлик ва унинг қисмларини ишлаб чиқариш сингари бўлимларида ўз стандартларини ўрнатиб, маҳсулотларини намойиш этапти.

Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган мазкур sanoat ҳафталиги ўтган йили ҳам хорижда катта қизиқиш уйғотганди. Ушунда иштирокчилар коронавирустан кейинги даврда sanoatни ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва истиқболли механизмлари, савдо-иқтисодий алоқаларини тиклаш йўллари, иқтисодий ўсишнинг омилли сифатида sanoat инновацияларини жорий қилиш имкониятларини белгилаб олган, икки томонлама ишбилармонлик алоқаларини ўрнатган эди. Тадбирлар ва бизнес учрашувлар натижасида 3,2 миллиард долларлик инвестициявий битимлар, экспорт ва импорт шартномалари ва келишувларга эришилган.

Жорий йилги кўргазманинг қўламини янада кенг. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов очиб берди. Бу гал Тошкент йирик инвестор ва

юқори даражадаги меҳмонларни нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий ҳамда иқтисодий салоҳияти билан танишиш, ўзарo конструктив мулоқотга таклиф этди. Бу ташаббус хорижликларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўтган йили кўргазма юқори даражада ўтганди, бу йил ҳам ана шу даражани таъминлашни мақсад қилганмиз, — деди ИННОПРОМ дастурий директори Антон Атрашкин. — Биз шунчаки маҳсулотимизни намойиш этиб, уни сотишга келмаганмиз, ниятимиз — доимий ҳамкорликда ишлаш. Бу йил “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” кўргазмасига 40 фoиздан ортиқ иштирокчи илк бор келмоқда. Бу эса Марказий Осиёда истиқболли ва изчил ривожланаётган бозорга қизиқиш ортаётганидан далолат. Ишончманки, кўргазма мамлакатлар ўртасида sanoat кооперациясини мустаҳкамлаб, хорижий иштирокчиларга янги бозорларни муваффақиятли ўрганишга ёрдам беради.

Россия Федерацияси sanoat ва савдо вазири Денис Мантуров эса бу йил кўргазма иштирокчилари сони аввалги йилгидан ҳам кўпроқ эканини таъкидлади. Вазирнинг фикрича, Ўзбекистон сўнгги йилларда аҳолиси сони билан бирга иқтисодий тез ўсиб бораётган давлат сифатида Марказий Осиёда етакчилардандир. Бу ерда турли йўналишларда бизнесини ривожлантирмоқчи

бўлганлар кўп ва ҳозирги шарoитда долзарб масала — давлатларнинг ҳамкорликда ривожланишига яхши шарoит яратади.

Халқарo кўргазмадан кўзланган мақсад ҳам sanoat соҳасидаги энг янги технологиялар ва ишланмаларни тарғиб қилиш, янги ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш, битимлар тузиш ва sanoat кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Бунда давлатларнинг ўзарo яқдмлик, дўстлик муносабатлари асосий жиҳатга айланиши муҳим.

“Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида шундай муҳит яратилганини пайкаш қийин эмас. Кўргазма майдонига киравериш қисми юртимизнинг миллий хунармандлик маҳсулотлари, зар чопону атлас-адрас либослар билан безатилган. Майдоннинг асосий кўргазмалар қисмида эса меҳмонлар sanoat маҳсулотларини намойиш этапти. Таклиф этилаётган брендларнинг аксарияти янги турдаги, энг замонавий маҳсулотлар.

Масалан, россияликлар павильониди пидеалар ўтишига мўлжалланган алюмин кўприкнинг кўргазма макети эътиборимизни тортиди. Лойиҳа Россиянинг Алюмин уюшмасига тегишли. Турли мамлакатлар, хусусан, Марказий Осиё давлатларидаги қатор корхоналарни ўзида бирлаштирган йирик компания алюминдан юзлаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Бундай материалдан қурилган кўприк уларнинг энг янги технологияларидан бири.

— Аслида дунёдаги биринчи алюмин кўприк ўтган асрнинг 40-йилларида қурилган, — дейди уюшма эксперти Равлюк Снезана. — Бироқ ўша кезлари бу тажриба тўхтаб қолган, балки унинг оммалашishi, синовдан ўтишига вақт керак бўлгандир. Кейинроқ алюминдан кўприк қуриш яна фаоллашди. Ҳозир бу кўп давлатлардан мавжуд. Боиси, алюмин кўприклар оддийларига нисбатан бир неча баробар тезроқ қурилади — атиги бир неча соатда бир-бирига пайвандланади. Оддий кўприк учун эса анча кўп вақт, қурилиш материаллари талаб этилади. Қолаверса, алюмин кўприк тез-тез таъмирлаш, такор-такор бўяшни талаб этмайди. Техамкорлик янги технологиянинг ягона афзаллиги эмас. Алюмин қурилмалар анча енгил, мустаҳкамлик сингари хусусиятлари билан ҳам талабгир. Айниқса, сейсмик ҳудудларда ундан кўп фойдаланилмоқда. Россияда биринчи алюмин кўприк 2017 йилда қурилган бўлса, ўтган 5 йилда улар сони 10 дан ошди. Яқин йилларда мамлакатда автомобиллар ўтишига мўлжалланган алюмин кўприклар пайдо бўлади. Билишимизча, Ўзбекистонда алюмин кўприк ҳозирча йўқ. Биз бу борада ҳам ҳамкорликни мақсад қилганмиз.

Кўргазманинг Тожикистонга тегишли бурчаги ўзига хос дизайни билан, айниқса, ажралайб турибди. Ўзбекoна услубга яқин миллийлик, биродар халқ вакилларининг илиқ саммияти павильон муҳитига ҳамоҳанг. Кўргазмада Тожикистоннинг металлургия, фармацевтика, машинасозлик, енгил sanoat соҳаларида ишлайдиган 20 га яқин компанияси иштирок этапти. Стандартдан тайёр кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотлари, гиламлар, қўimmatбаҳо тош ва металллар жой олган. Қизиқувчиларни маҳсулотлар билан бирма-бир таништираётган

Тожикистон Sanoat ва янги технологиялар вазирлиги бўлим бошлиги Малика Ербобоеванинг эғнидаги атлас қўйлақ эса ял-ял ёнади.

— Бизда ҳам атлас, беқасам матолар бор, хотин-қизларимиз ўзимизники билан бирга, ўзбек миллий матоларидан тикилган либосларни севиб қияди, — дейди у. — Уйда ўзбек атлас ва адреси бўлмаган бирорта тожик хотин-қизи бўлмаса керак. Шу боис, биз миллий матоларни ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш мақсадида Ўзбекистонга тез-тез келиб тураимиз. Миллий матоларимизда деярли фарқ йўқ. Фақат охириги йилларда ўзбек миллий матолари дизайнида замонавий трендлар кўзга ташланипти, бу жуда яхши. Бизда эса ҳозирча ишлаб чиқарувчилар кўпроқ классик дизайнини сақлаб қолишни афзал кўрмоқда. Кўргазма давомида ҳамкорлар топиш, янги шартномалар имзолашни мақсад қилганмиз. Пахта, ипакни қайта ишлаш, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга кўпроқ қизиқаямиз.

Албатта, тадбирнинг амалий аҳамияти имзоланадиган шартномаларда яққолроқ кўзга ташланади. Бунинг учун кўргазманинг бизнес дастури ишлаб чиқилган. Шу асосда sanoat кун тартибининг энг долзарб мавзуюри бўйича 20 дан ортиқ ихтисослаштирилган сессия, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликнинг асосий масалаларини қамраб олган кенг қўламли конгресс дастури ҳамда B2B алоқалар биржаси бўлиб ўтмоқда. Панель мунозараси, муҳокамалар, давра суҳбатлари ва бизнес учрашувларда иштирокчилар Марказий Осиёнинг технологик ўсиш макони сифатидаги истиқболлари, шунингдек, минтақа мамлакатларининг инвестициявий ва sanoat салоҳиятини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлапти.

Бу йил кўргазмада ёш мутахассислар ва талабалар учун “ИННОПРОМ университети” махсус лойиҳаси ҳам ташкил этилди. Унда хорижий йирик sanoat компаниялари раҳбарлари, шунингдек, етакчи университетлар профессорлари замонавий ишлаб чиқаришни қандай боқариш ҳақида сўзлаб беради.

Қолаверса, халқарo sanoat кўргазмаси формати конструктивликнинг янги ранглари билан порламоқда. Унинг асосий устуворлиги ҳудудлар ўртасидаги фаол мулоқотлардадир. Ўзбекистонга келган ҳар бир делегация ўз таширф дастурига эга ва бу йил у фақат Тошкент шаҳри билан чегараланиб қолмайди.

Халқарo sanoat кўргазмасининг илк кунидаёқ шартномалар тузиш бошлаб юборилди. Хусусан, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда халқарo ва ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш бўйича битимлар тузилди, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Россиянинг Омск области ўртасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” имзоланди.

27 апрелга қадар давом этадиган халқарo тадбирни чин маънода sanoat ҳафталиги, дейиш мумкин. Бу доирада кечаётган ўнлаб дастурлар ва миссиялар, учрашувлар ҳамда келишувларни манфаатлар кесишмаларини топиш истаги бирлаштирмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

— Юртимизга кўз тегмасин, давлатимиз раҳбари ҳамиша омон бўлсин, қўлларимизни сиқиб, ишларимизга барака тилади...

— Нимасини айтасиз, Президентимиз билан учрашиб, суҳбатлашгандан буён юрагим ҳапrikaиб, ёшариб юрибман. Қўлимга кетмон олиб, тарвузпояни қанча чопиқ қилсам ҳам чарчаганимни сезмаяпман...

— Ҳа, сиз уни айтасиз, шу пайтгача қўшнимга полизларга кечаси сув таранг, десам унамасди. Уч-тўрт кун бўлди, даладан бери келмайди. Кеча тунда биров хиргойи қилиб, далада юрибди. Ким экан десам, ўзимизнинг Нурилла. Ҳа, десам, “ишлаш керак, ишлаш”, дейди. Ё, тавба, шу дангасага ҳам ақл кирганига долман...

— Бизнинг кампирни айтмайсизми, келинларини тергаб, ўзи бош бўлиб, анчадан бери ертўлада ётган қўй жуяларини олиб, йигириншга тушган. Ўзиям нақд тўрт-беш гиламлик бор эди. Кеча ишни бошлаб, гилам ўрмагини ҳам қўйди. Бу шижоат қайдан келди, десам, “Президентимиз вақтини аямасдан Тошкентдан келиб, ҳолимизни сўраб, шунча имконият яратиб бериб кетяпти, мен уйда жимгина ўтирсам уят бўлади”, дейди.

Ҳа, Президентимиз ташрифидан сўн Қашқадарё одамларининг кайфияти кўтарилиб, ишга, оиласига, Ватанга бўлган муҳаббати янада жўш урди. Воҳада ўзгача уйғониш шамоли эсиб, бу насим

янгиликлар кўп. Хусусан, яқинда давлатимиз раҳбари ташрифи муносабати билан янги очилган “Само” тикувчилик фабрикасида бугун беш юзга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

маъқул келиб, далда бергани мен учун катта рағбат бўлди. Бу ўз-ўзидан бизни янада руҳлантириб юборди. Маҳаллада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касбга қизиқтириш, олий таълимда ўқиётган талабалар муаммоларини ечишда кўмаклашиш борми, имкон қадар барчасини ҳал қилиш учун изланишдамиз. Иш бошлаган кундан бошлаб, шу ҳудудда истиқомат қилувчи ҳар бир ёш билан бирма-бир учрашиб, суҳбатлашиб вазиятни, кўнгилларидаги ниятларини билишга қизиқдик. Муносабатимиз жуда самимий шаклландики, ҳозир барчалари билан яқин бўлиб қолдик. Улар бирор таклиф ва ташаббус бўлса, бемалол айта оляпти. Биз эса айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшлар етакчиси бекорга маҳаллаларда иш бошламаганини амалда кўрсатишга ҳаракат қиялпмиз. Келгусида бунинг самараси, албатта, амалда ўз исботини топади.



“ИШГА МАРҲАМАТ” МОНОМАРКАЗИ КОСОН ТУМАНИ ФИЛИАЛИДА НАФАҚАТ ҚОБИЛ СИНГАРИ ЁШЛАРГА, БАЛКИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН КИШИЛАРГА ҲАМ КАСБ-ХУНАР ЎРГАТИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЭШИТИШДА, ГАПИРИШДА НУҚСОНИ БОР ОДАМЛАРГА СУРДО ТАРЖИМОНЛАР ОРҚАЛИ БИЛИМ БЕРИЛМОҚДА.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА КЎНГИЛЛАР ОБОД БЎЛАДИ

ҳар бир хонадонга, ҳар бир юракка кириб борди. Одамларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши ортиб, қадри юксалаётганидан шукроналик сўзлари диллардан тилларга кўчди. Айниқса, янги ташкил этилган Қўдала туманида одамларнинг ўзоғи яқин, вақтию нақди тежалиши, йиллаб қутилган азалий орзуси амалга ошгани, давлат раҳбарининг шахсан ўзи туманга келгани қувонч устига қувонч келтирди.

Азалий орзулар рўёбга чиқди

Жуман бобо Шойимов Қўдала туманида истиқомат қилади. Бугун отанинг ёши етмиш оптида. Умрининг деярли қирқ беш йилга яқинини давлатнинг турли корхона, муассасаларида, “Қўдала” маҳалла фуқаролар йиғини раислигида ўтказган. Меҳнатдан қадр ва ҳурмат топган. Бугун нафақада бўлса-да, ҳамон эл ташвиши билан яшайди. Доим аҳолининг ўзоғи яқин бўлишини — Қўдала тумани ташкил этилишини орзу қилиб юрди. Бугун шундай кунларни кўрганига шукрона айтмоқда.

— Аҳолимиз тарихий воқеага гувоҳ бўлди, — дейди Жуман бобо. — Ахир қанча йиллар орзу қилгандик шундай бўлишини. Иш жойимиз шу атрофда бўлса-да, туман марказига деярли икки кунда бир боришга тўғри келарди. Уша кунлари бир кунимиз йўлда ўтиб кетарди. Бизнинг ёшлигимизда ҳозиргидек техникалар қаёқда, дейсиз. Автобуслар эрта тонгдан, жуда вақтли қатнарди. Айниқса, киш кунларида ҳали соат саккиз бўлмай, туман марказидаги ташкилот олдида камида бир соат зирқираб турарди. Агар ишингиз яқинига етмай қолса, автобусдан қолиб кетсангиз, ундан азоби йўқ эди. Бирор, бир юк машинаси келмаса, бошқа техника топилмасди. Ўзи бор-йўғи бир varaқ қозоғга қўл қўйдиришга борардик. Шунинг учун ҳам кун давомида сарсон бўлишга мажбур эдик. Ҳозир бир қадам бўлди. Президентимиз доим таъкидлаб келаётганидек, халқ ҳокимиятга эмас, ҳокимият халққа яқинлашди.

Президентимизнинг ташрифи чоғида янги туманимизнинг ўзида фаоллар учрашуви ўтказилди. Унда мен ҳам иштирок этдим. Ростки, қувончим ичimgа сиғмай кетди. Ҳозир ҳам ҳаяжондаман. Давлатимиз раҳбари туманимизга кенг имконият яратилиши, ёшлар иш билан таъминланиши, корхоналар, заводлар бунёд этилиши учун каттагина маблағ ажратилиши ҳақида айтди. Бу бизнинг бахтимиз, бу халқнинг порлоқ келажаги. Бу гапларни эшитган ёшу қари бирдек ҳаракатга тушиб кетди. Бир четда томошабин бўлиб туришга ҳижолат бўлиб, ички бир туртки билан уйғонди. Президентимизнинг ҳар бир гапи бизга ўзгача илҳом бағишлади. Ишонмасангиз, далага бир чиқиб қаранг. Бўш ётган қаровсиз ерга бугун кимдир ишлов бериб, ниҳол ўтказмоқда. Яна биров сув тараб, дарахт экяпти. Уларга ҳеч ким айтгани йўқ. Бу одамларда ишонч пайдо бўлганидан далолат беради.

Мен ҳам ҳар тонгни хушайфият билан қарши оляпман. Нега дейсизми? Буни тасвирлаб бериш мушкул. Боиси, авваллари одамларда бугунги жўшқинлики кўрмаганман. Ўзгаришлар,

Уларнинг барчаси шу яқин атрофдаги ишсиз аёллар эди. Эндиликда-чи? Қишлоғимиз хотин-қизлари ҳар кун эрталабдан ишга мамнунлик билан шошилиди. Барчасининг кўнгли хотир-жама, хушнуд. Бу — фаровонлик нашидаси.

Энди бошқача

Қўдала тумани марказида “Чироқчи кластери” масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан 500 иш ўрнига мўлжалланган янги тикувчилик фабрикаси иш бошлади. Бунинг натижасида, туманда истиқомат қилувчи хотин-қизлар иш билан таъминланди. Санобар Пардаева ҳам яқинда шу фабрикада тикувчиликка ишга қабул қилинди. Унинг уч фарзанди бор, иш йўқлиги учун ҳеч қаерда ишламаган. Тикувчилик касбига қизиқгани боис, бу касбни мустақил ўрганган. Эндиликда ўзи қизиққан иши билан банд, маоши ҳам яхши.

— Шу пайтгача ўз ишим бўлишини, маош олишни, оиламга фойдам тегишини орзу қилардим, — дейди С.Пардаева. — Туманимиз марказида янги фабрика очилишини айтишганида, яна Чироқчи тумани марказида бўлса керак, деб ўйладим. Афсус, шу яқинроқда бўлса, ишга кириб олардим, деган ўйга бордим. Кейин билсам, ўзимизнинг янги туманда ташкил этилаётган экан. Қувониб кетдим. Кўпчилик бўлиб бориб, ишга кирмоқчи эканимизни айтгандик, қабул қилишди. Тикув дастгоҳлари янги, замонавий. Энди кўп орзуларимиз амалга ошяпти. Бунинг учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираимиз. Шу кунги иш жойимизга қелиб, бизлар билан суҳбатлашди, ҳол-аҳвол сўради. Ростки, давлатимиз раҳбари билан учрашамиз, деб ҳеч кутмагандик. Лекин самимий, очикчасига суҳбат курганидан сўнг, биз ҳам у кишининг сўзларидан илҳомланиб, янада шиддат билан ишга киришдик.

Ишонч оқланмоқда

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг январь ойидан барча маҳаллаларда ёшлар етакчилари иш бошлаган. Уларнинг фаолияти таъсири жойларда сезила бошлади. Жумладан, уюлмаган ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, турнирлар ташкил этиляпти. Бу тадбирларнинг бари уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига замин яратмоқда. Ёшу кекса турмушида соғлом турмуш тарзи сари интилиш кузатиляпти.

Қўдала туманидаги “Шўрбозор” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Бекмурод Тошов намунали ишлари билан бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда. У Президентимизнинг Қўдала туманига ташрифи чоғидаги фаоллар учрашувида иштирок этиб, олган таассуротлари натижасида нафақат туманда, балки вилоятда энг илгор етакчилар қаторига чиқишни максад қилган.

— Давлатимиз раҳбари билан учрашув чоғида менга ҳам сўзга чиқиш nasib этди, — дейди Б.Тошов. — Анча ҳаяжон босди. Лекин, асосийси, айна пайтда маҳаллада қилаётган ишларим ҳақида айтдим. Президентимизга

Бу учрашув янги ғоялар сари етаклади

Болалиги ёлғиз она қарамоғида ўтган Қобилжон тенгдошларига нисбатан эрта улғайди. Мактабни битириши билан бирор касбни эгаллаш, тезроқ онасига кўмак беришга интилди. Тиришқоқлиги сабаб чилангарлик, электр-монтерлик, сантехникликни мустақил ўрганди. Шу ҳунарга боғлиқ бирор-бир хонадонда юмуш чиқса, астойдил бажаришга интилиб, кўпчиликнинг дуосини олди. Онаси эса ўғлининг



бу ҳунарлари билан одамларга ёрдам бераётганидан, оиласига суянч бўлганидан жуда мамнун. Қарши шаҳридаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежига ўқишга кирганида ҳам она ўғлини билимли ва ўз касбининг моҳир устаси бўлишига ишонч билдирди. Аммо у ўқийдиган йўналиш фермер хўжалиги бўйича бўлгани боис, шу соҳада оз бўлса-да малакага эга бўлди. Лекин ўзи ёқтирган касбни астойдил ўрганишга интилди.

— Болалигимдан бирор ҳунарга эга бўлишни жуда истардим, — дейди Қобилжон Мажидов. — Коллежни тамомлаб, ўз йўналишим бўйича иш қидирдим, лекин натижа бўлмади. Шу боис, яна ўз қизиқишим — электр-монтерлиги бўйича ишлаш бошладим. Бу орада хорижда бир муддат ишлаб, мусофирликни ҳам бошдан кечириб келдим. Афсуски, қайга бурсам касбим бўйича бирор ҳужжат сўрашарди. Охири шу касбни мукаммал ўрганиш ва бирор сертификат ёки дипломага эга бўлишга бел боғладим. Суриштириб, Косон туманидаги бандликка кўмаклашувчи “Ишга марҳамат” мономаркази ҳақида хабар топдим. Ўзим Қарши шаҳрида яшасамда, уларга ўша жойга бориб, ўқимокчи эканимни тушунтирдим. Қувонарли томони ёшим ўттиз иккида бўлишига қарамастан бепул, уч ойлик курсга қабул қилишди. Энг маъқули, бизга ўргатувчи мутахассислар ҳам тажрибали, ўз ишининг усталари экан. Шунингдек, туркиялик соҳа вакиллари ҳам дарс беради. Ўқув хоналаридаги жиҳозларни кўриб, касбга бўлган қизиқишим янада ошди. Ўқини бошлаганимга икки ойга яқинлашди. Ҳозирда электр соҳаси сирлари бўйича билимга эга бўляпман. Айниқса, тип автоматикани ўргатиши менга жуда маъқул бўлмоқда.

Одатдаги дарсларнинг бири эди. Ростки, ҳалигача қувончим ичimgа сиғмай турибди. Президентимиз билан учрашиб,

суҳбатлашишни ҳеч кутмагандим. Дарс жараёнига кириб келиб, тўғридан-тўғри бизлар билан суҳбатлашди. Шароитлар, олаётган билимларимиз ҳақида сўради. Оталарча самимий гаплашди. Айнан электр соҳаси бўйича касбга эга бўлаётганимни эшитиб, далда берди. Бу энг керакли соҳа эканини, ўзимизда бу борада кадрлар етишмаслигини, янги қурилаётган қуёш электр станцияларини бошқаришда хориждан мутахассислар олиб келишга мажбур бўлинаётганини таъкидлади. Биз ҳам у кишига ўз

касбимизнинг устаси бўлишга, юрт равнақи учун хизмат қилишга ваъда бердик. Шундан буён ҳаёлимизда янги ғоялар, янгиликларни амалга ошириш истаги жўш уради. Шуларни амалга ошириш учун ишга киришдик. Давлатимиз раҳбари биз учун шунчалик имконият яратиб бераётган экан, биз ҳам муносиб жавоб қайтара олишимиз зарур.

“Ишга марҳамат” мономаркази Косон тумани филиалида нафақат Қобил сингари ёшларга, балки имконияти чекланган кишиларга ҳам касб-хунар ўргатилмоқда. Жумладан, эшитишда, гапиришда нуқсони бор одамларга сурдо таржимонлар орқали билим берилмоқда. Баъзилари ўз қизикқан касби бўйича керакли малакага эга бўлиб, аллақачон иш бошлаб юборган. Кўпчилиги эса мана шундай мономарказ ташкил этилгани учун мамнун бўлиб, чуқур билим олишга киришган.

— Мен сантехник касбини эгаллаш учун Қарши туманидан келиб ўрганияпман, — дейди Акмалжон Азаматов. — Шахсан Президентимизнинг ўзи келиб биз каби имконияти чекланган инсонларнинг касб-хунар ўрганаётгани билан қизиқгани барчамизни қувонтирди. Устозларимиздан бизнинг билимга бўлган қизиқишимиз ҳақида ҳам сўради, ўзимизга ҳам керакли маслаҳатларини берди. Шундай юртда яшаётганимдан мамнун бўлдим. У кишига чексиз раҳмат айтамыз.

Бу юртда меҳрнинг чегараси бўлмайди

Мамлакатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тўбдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда инсонларварлиқнинг яна бир юксак намунаси бўлди,

десак янглишмаймиз. Бунинг натижаси бугун Меҳрибонлик уйларида оилавий болалар уйларига ўтиб, меҳр топган мурғак кўзларда намоён бўлмоқда.

Гўдаклигидан ота-она, оила каби сифатлардан бебаҳра бўлиб вояга етаётган болаларнинг бугун ярим кўнгли бутун, қалблари меҳрга тўлди. Жажжи кўзлари ила эшикка термулиб, Меҳрибонлик уйига адашиб кириб қолган ҳар бир кишига илинж билан боқиб, юракларни ларзага солгучи саволларига жавоб топилгани, не умид ва ишонч-ла талпинган бегубор қўлларига қўл узатилгани эса Президентимизнинг зғу мақсади амалга ошганидан далолат. Буни давлатимиз раҳбари Қашқадарёдаги оилавий болалар уйи вакиллари билан учрашув чоғида ҳам таъкидлади. Шу болаларга меҳр бераётган оилаларга ўз миннатдорлигини изҳор этди.

Қарши шаҳрида яшовчи Шокир Суёнов ва Гулбаҳор Ҳамидова ҳам оилавий болалар уйи ташкил этган. Ҳозирда саккиз болани ўз бағрига олган оила шу кун давлат раҳбарининг ҳам эътиборига тушди.

— Анча йиллар Қамаш туманидаги 4-сонли Меҳрибонлик уйида ишладим, — дейди Гулбаҳор Ҳамидова. — Ишлаш жараёнида кўп бора орзу қилардимки, шу болаларнинг ҳам уйларида тарбияланса, оила, деган муқаддас даргоҳни ҳис этиб яшаса. Кўпинча, байрам ёки бирор тадбирда болаларни уйга олиб кетишга ҳаракат қилардим. Буни бошқа тарбиячиларга ҳам айтиб, бир кун бўлса-да, оилада байрам қилсин, дея уларни ҳам болаларни олиб кетишга

фарзандим бор. Улар ҳозир ўн бир нафар. Бундан мен доим хурсандман. Ҳозирда деярли ҳар кун қизларим билан овқат тайёрлаймиз, бўш вақтларида кашта тиқиш ва бошқа ишларни ўргатаяпман. Шунингдек, ҳар кун кечки пайт китоб мутолаасини одат қилганмиз. Ўзим бошлаб, китоб ўқиб бераман. Кейин навбати билан ўқиш бошланади. Эртақлар, ҳикоялар мағзини қақишга ҳаракат қиламиз. Ҳамма ўз фикрини айтади. Айниқса, кенжтойимиз Кувончбек эртанги яхши кўргани учун ҳар кун эртак ўқиб берамиз. Қизларимиз ёқтирган таомларини ўз кўкларин билан тайёрлашга ҳаракат қилади. Бу эса уларнинг бир-бирига бўлган меҳрини оширмоқда.

— Президентимиз билан учрашув чоғида раҳмат айтмоқчи, миннатдорлигини билдирмоқчи эдим, аммо у кишининг бизга меҳр ила боққанини кўриб жуда ҳаяжонландим, кўзим ёшга тўлиб, гапиролмай қолдим, — дейди оила қизларидан бири Шахноза. — Анча сўзларим бор эди. Шундай меҳрибон Президентимизни борлигидан доим мағрурланишимизни, бизларни оила деган риштага боғлаганидан мамнунлигимизни айтмоқчи эдик. Энг асосийси, у киши биз учун азиз бўлган ота-онамизни топиб берди. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Дилимиздаги қувончни таърифлаб беролмайман. Ўз уйинг, ўз ота-онанг борлиги қанчалик буюк қувонч эканини ҳис қиялпмиз. Бунинг учун қанча раҳмат айтсак, оз.



кўндирардим. Лекин бу ишимиз белгиланган тартибларга тўғри келмасди. Шу боис, ҳар сафар уларни уйга олиб келганимда бироз хавотир бўларди. Эртага кимдир эътироз билдирмасмикан, деган ўй турарди. Президентимиз жуда хайрли, савобли ишни бошлади — Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оилаларда тарбиялаш имконини берди. Биз кутгандек қарор қабул қилинди. Бу меҳрга ташна қалбларни тўлқинлантириб юборди. Халқимиз болажон халқ. Уша машум уруш даврларида ҳам қандадан-қанча болаларни ўз қарамоғига олган. Қанчасига ота-оналиқ қилган.

Давлатимиз раҳбари билан учрашув чоғида у киши бизга чексиз раҳмат айтди. Аслида эса Президентимиз биз раҳмат айтишимиз зарур. Ахир меҳрибон, оққўнгил раҳбаримиз шунчалик ташаббус кўрсатиб, бизга имконият бермаганида бу савобли ишлар қайда эди? Ўзимнинг уч

Қалбида мард, танти, бағрикенг ва тўғри сўз каби сифатлар мужассам бўлган Қашқадарё аҳли давлат раҳбарининг ташрифини чин маънода кўтарилиш билан қарши олди. Тарихий воқеаларга асос бўладиган учрашувлар, самимий суҳбатлар, қилинган ва қилинажак буюк ишлар кўздан йироқ, кўнгиллардан олислашиб кетган қалбларни бирлаштирди. Мақсад ва муддаоларни жиғлашга, қўлни-қўлга бериб эзгулик сари одимлашга ундади. Кемтик қалбларга умид бериб, ҳаёт аталмиш буюк неъмат завқини берди.

Бу эса яқин келажақда кўз қувнатадиган даражада ўзгаришларга, Қашқадарё янада обод воҳага айланишига ишончдан далолат. Шу билан бирга, қадимда чалинган Иккинчи Ренессанс кўнгириги учинчи бор бонг уришидан дарак беради.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТИББИЁТ

Мамлакатимизда инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун ва қадрли экани тиббиёт соҳасидаги ислохотлар самарасида ҳам кўзга ташланади. Бинобарин, бу жиҳат нафақат давлат раҳбари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, балки шахсий муносабатларида ҳам яққол аксини топмоқда. Акс ҳолда, шахсан Президентимизнинг ўзи тиббиёт соҳасининг каттаю кичик вакиллари бир жойга йиғиб, суҳбат қурмасди. Уларнинг дардини эшитиб, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган масалаларга биргаликда ечим топиш ҳамда камчиликларни тузатиш имконини бермасди.

САЛОМАТЛИК ҲАММАСИДАН УСТУН

Жорий йил 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан учрашиб, очиқ мулоқот ўтказишни соҳа вакиллари қаторида оддий одамлар учун ҳам тарихий воқеа сифатида эътироф этсак арзийди. Нега? Аввало, учрашувда қайд этилганидек, тиббиёт барчага дахлдор соҳа. Чунки иссиқ жон,

умри давомида ҳар бир одамнинг шифокорга иши тушиб туради. Иккинчи муҳим жиҳати тадбирнинг ўзига хослиги — йирик формат ва амалий натижадорликка қаратилгани бўлди.

Юртимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга эътибор бир зум бўлса-да, тўхтаб қолгани йўқ. Ушбу

йўналишдаги ишлар, айниқса, кейинги йилларда янада авж олди, ривожланди, янги босқичга кўтарилди. Мазкур учрашув ана шу ислохотларни кенгайтириш, келгуси режаларни белгилаб олиш, камчиликларни аниқлаб, зарур чоралар қўриш учун муҳим платформа вазифасини ўтади.



Эски иморат янги қиёфага кирмоқда

Одатда, қаровсиз, ташландиқ жойга ҳеч ким боришни истамайди. Бу — табиий ҳол. Илгари туманнинг акушерлик комплекси деярли шундай ачинарли ҳолатда бўлган. Томлардан чакка ўтиб, поллари шишиб, кўчиб қолганди. Таъмирлаш ҳам номига қилинар, оқибатда бир қишда яна шу эски аҳволга тушарди. Қисқаси, иморат иш учун мутлақо талабга жавоб бермай қолганди.

Бугун эса манзара бутунлай бошқача. Бинонинг эшик-даразалари олиб ташланган, девор сувоқлари қучирилган, томлар, поллар олинган... Лекин яхшилик аломати, хайрли ҳаракатлар самараси. Гап шундаки, бу ерда “Beltepa master stroy” масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Жамият раҳбари Орузбек Ражабовнинг айтишича, эски бинонинг ҳолати чиндан ҳам ачинарли бўлган ва энди у бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Ишларнинг 75 фоизи битган. Қўлланаётган ашёлар ҳам ресурстежамкор ва замонавий. Масалан, айрим хоналарга НРЛ панеллар ишлатилган. Бу панелга 50 иллик кафолат берилган. Қолаверса, уни ҳар кун ювиш мумкин. Бу эса тиббиёт муассасаларида санитар-гигиеник нуктаи назардан жуда муҳим омил. Айти пайтда 110 нафарга яқин ишчи мазкур иморатни тиклаш билан

банд. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бино яқин икки-уч ой ичида тўлиқ жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилади.

Деярли янгидан барпо этилаётган акушерлик комплекси давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, перинатал марказга айлантирилади. Сабаби, ушбу ҳужжатда оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болаларга ҳудудларда самарали перинатал, неонатал ҳамда педиатрик хизматлар олиш имкониятини яратиш, минтақавий перинатал марказларни такомиллаштириш, шунингдек, акушерлик муассасаларини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш чораларини қўриш вазифалари белгиланган. Мазкур туманлараро перинатал марказ ана шу талаб ижроси самарасидир. Бу ерда Зангиота, Қўйраб ва Тошкент туманлари аҳолисига хизмат кўрсатилади.

— Йигирма икки йилдан буён шу комплексда ишлаб келяман, — дейди акушер-гинеколог Дилноза Йўлчиева. — Утган асрнинг саксонинчи йилларида қурилган биномиз, мана, орадан шунча йил ўтиб, замонавий лойиҳа асосида янгича қиёфа касб этмоқда. Бундан, албатта, мамнунмиз.

“Бошида мақсадимиз умуман бошқа эди”

Мамлакатимизда тиббиёт ривожига қаратилаётган эътибор ҳудудларда замонавий хусусий шифохоналар пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда. Тумандаги “American Hospital” масъулияти чекланган жамияти бунинг яққол далили.

— Бошида мақсадимиз умуман бошқа эди, — дейди жамият таъсисчиси Фаррух Юнусов. — Яъни иморатни савдо мажмуаси сифатида тиклаётгандик. Шу орада, аниқроғи, 2017 йилда Франкфуртда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада тиббий ускуна ва ашёлар ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур “Medtronic” корхонаси вакиллари билан учрашиб, уларнинг махсулотларини Ўзбекистонга олиб кириш бўйича суҳбатлашиб қолдик. Суҳбат асосида улар олиб-сотишдан ташқари клиника ҳам ташкил қилиш мумкин-ку, деган фикрни айтиб қолди. Шу сабаб бўлди-ю, шифохона фаолиятини йўлга қўйдик.

Бугун клиникамизда кунига юрак билан боғлиқ ўртача 8-10 та жарроҳлик амалиёти ўтказилмоқда. Хориждан

жалб қилинган шифокорлар ҳам, маҳаллий мутахассисларимиз ҳам юқори малакали. Беморлар дардига малҳам бўлаётганимиз, уларни ҳаёtgа қайтарётганимиздан хурсандимиз.

Фаррух Юнусовдан шифохона ёнида қад ростлаётган янги бино ҳақида сўрадик. У тиббиётга ихтисослаштирилган хусусий мактаб бўлиб, насиб қилса, янги ўқув йилидан ишга тушаркан.

— Бу қарорга давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотидан сўнг келдик, — дейди у. — Президентимиз қўллаб-қувватлаётган, зарур қўмак ва шарт-шароит яратиб бераётган экан, нима учун биз бу ташаббусга жавоб бермаслигимиз керак!

Мамлакатимиз тиббиётидаги ўзгариш ва янгиланишларга юқорида келтирганимиз — бир туман мисолидаги айрим тафсилотлар яққол мисол бўла олади, бизнингча.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Замонавий бино, замонга мос хизмат

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, Тошкент тумани аҳолиси сони 235 минг 822 кишини ташкил этмоқда. Шундан 28,9 фоизи 14 ёшгача бўлган болалар, 5,3 фоизи ўсмирлар, 65,8 фоизи 18 ёш ва ундан катталар, 24,8 фоизи фертил ёшдаги аёллардир. Булар туман ахлига сифатли хизмат кўрсатиш учун қўйи тармоқларни, бирламчи тиббий-санитар хизматлар қамровини янада кенгайтириш зарурлигини аңлатади.

Туманнинг Кўктерак ҳудудидаги 75-оилавий поликлиника ўтган йил ноябрь ойида айти шун мақсадда фойдаланишга топширилди. Илгари Кўктеракда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси фаолият юритарди. Бино жуда эски, хизмат ва моддий-техник база ҳам шунга яраша эди. Қолаверса, туманнинг ушбу ҳудудида жойлашган 10 га яқин маҳаллада қарийб 30 минг аҳоли яшайди. Янги

поликлиника қуввати уларни тўла қамраб олишга бемалол етади.

— Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳомийлик маблағлари асосида уч ой давомида капитал реконструкция қилиниши туфайли янгича тус олган муассасамизга бугун ҳамма ҳавас билан қарайди, — дейди 75-оилавий поликлиника бош шифокори Доно Пулатова. — Сабаби, бизда консултиватив поликлиника, УТТ ва клиник лаборатория, кундузги даволаш бўлимлари мавжуд. Замонавий жиҳозланган поликлиникада 8 нафар умумий амалиёт шифокори, терапевт, педиатр, хирург, травматолог, гинеколог, стоматолог, УТТ шифокори каби тажрибали мутахассислар аҳолига юқори

малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, муассасамизда Тошкент тиббиёт академиясининг оилавий шифокорлар кафедраси ҳам фаолият юритади.

Бундан ташқари, ушбу муассасада тез тиббий ёрдам шохбачаси жойлашган. Аҳолига туну кун хизмат кўрсатиш учун иккита тез тиббий ёрдам бригадаси ва барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, юртимизда ишлаб чиқарилган иккита “Volkswagen Caddy” реанимобибли хизматга шай.

— Уччинор маҳалласида яшайман, — дейди Саида Ёқубжоновна. — Янги оилавий поликлиника маҳалламиз, умуман, туман ахли учун ўзига хос туҳфа бўлди. Авваллари оддий муолажа ёки ташхис учун ҳам туман ёки шаҳар марказига боришимизга тўғри келарди. Бундан ташқари, поликлиника ходимларининг уйма-уй юриб ҳолимиздан хабар олаётгани бизни жуда қувонтиради.

Дарвоқе, патронаж ҳамширалари хизмати эвазига ҳудуд аҳолиси қайтадан хатловдан ўтказилди. Бу тадбир яқин орада “рақамли поликлиника”га айлантирилиши мўлжалланаётган тиббиёт муассасаси учун жуда муҳимдир.

Булар, табиийки, инсоннинг кайфиятига таъсир қилади. Шифокорларга ишончини оширади. Шунгами, ҳудуд ахлидан ташқари, айрим муолажа ва маслаҳат учун узлари узоқда яшаса-да, бу ерга келишни одат қилганлар ҳам кам эмас.



МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАДАНИЯТИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛанади?

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
матбуот хизмати раҳбари

Халқаро меҳнат ташкилоти ташаббуси билан 2003 йилдан буён нишонланаётган 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Самарқанд вилоятида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш маданиятини шакллантириш юзасидан минтақавий семинар ўтказди.



Айтиш керакки, бу сана муносабати билан дунёнинг юздан ортиқ мамлакатиди, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам иш жойида жароҳатланиш ҳолатлари ва

касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади.

Жорий йилда Самарқандда ташкил этилган тадбирда асосий эътибор бутун дунё ҳамжамияти учун долзарб масала — иш жойларида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларига чалиниш ҳолатларининг олдини олиш ва меҳнат муҳофазаси борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришга қаратилади.

Қайд этиш жоизки, ривожланаётган давлатларда бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари кўпинча иқтисодиётнинг бошланғич секторлари, яъни қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, қурилиш, ўрмон ва қончилик соҳаларида содир бўляпти. Ходимлар билим даражасининг етарли эмаслиги, меҳнатнинг хавфсиз усул ва услубларига ўқитилмагани, ёнгин, хавфли моддалар билан нотўғри мулоқот, шунингдек, норасмий иқтисодиёт салбий кўрсаткичлар ошишига олиб келувчи омиллардир.

Минтақавий семинарда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг янги тахрирда қабул қилиниши меҳнат муҳофазаси соҳасида иш бериувчилар ва ходимлар масъулиятини ошириш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини йўлга қўйишда муҳим омил бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон



касаба уюшмалари федерацияси томонидан аҳолига муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, иш жойида ходимлар руҳиятига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш механизмлари ва ишчи-ходимларнинг иш жараёнида самарали

меҳнат фаолияти олиб боришларини таъминлаш йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда ходимлар меҳнати муҳофазаси, уларга

хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шaroитларини яратиш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шериклини янада ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Минтақавий семинарда иштирокчиларга меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқиш, билимининг синаш тартиблари бўйича янги қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунча берилди. Корхоналарда ходимлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш ишларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Шунингдек, иштирокчилар Ўзбекистонда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар намунали ташкил этилаётганини алоҳида эътироф этди.

Тадбир доирасида семинар иштирокчилари меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўналишидаги ишлар, ходимлар учун тайёрланаётган махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари намуналари ўрин олган кўргазма билан танишди.

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳақиқий шоирнинг туғилиши ҳам аслида баҳорнинг туғилиши янглиг, кўклам осмонидаги чақинларнинг дунёга келиши мисол — бир илоҳий, бир самовий ҳодисадирки, бу ҳолатнинг сиру синоати билан мазмун-моҳияти Яратганнинг ўзигагина маълу. Шу маънода, шоирлар осмону фалақда пайдо бўлиб, ерда яшайдилар, деган эски нақл ҳам Наврўз каби яп-янги туюлади. Бу иқтисосимизнинг маънисини шундан иборатки, жафокаш заминда одамзод бошига нимаики тушса, неки жабру ситамлар унинг инсондай яшашига дахл қилса — барча-барчаси шоир юрагини тимдалаб ўтади. Инсоннинг маънавий-ахлоқий ҳаётига, унинг камоли эмас, таназулига сабаб бўладиган ҳар қандай ёвузлик шоир қалбининг энг ашаддй душмандир. Шу боис, овруполиқ донишмандлар дунёга дарз кетса, энг аввал шоир юрагини синдиради, деган ҳикматни қайта-қайта таъкидлаб келган.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф том маънода ўз халқи, эл-юртининг дарди-армони билан яшади. Унинг қисқа ҳаётида шеър ёзмаган, изтироби, дардларини қозғога тўкмаган бирор кунни йўқ эди. Мудом ўйчан, ўз хаёллари ва руҳий дунёси билан банд, ҳамиша “қовурғасининг остида йиғлаётган кўмири” си билан ич-ичидан сўхбат қилиб юргандай бўларди. Аслида, бор гап ҳам шу.

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлаган дostonларинг бор.
Ушмишини ўйлаб оғриди жоним,
Кўксинг тўла шахид ўғлонларинг бор.

Бугунги кунда салкам ўттиз беш миллион нуфусли улуғвор мамлакатнинг азим пойтахти — Тошкентнинг қок марказидаги Ўзбекистон Миллий боғида бекиёс ва беназир Адиллар хиббони барча ёшлар, китобхонлар, сайёҳлар ва зиёратчилар билан ҳамиша гавжум. Том маънода ўзбек адабиёти бўстонига айланган кўркам маъво — янги Ўзбекистонимизнинг янги сиёсати самараси ўларок, унинг миллатпарвар ва адабиётсевар раҳбари ташаббуси билан бўнёд этилганига ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ.

Ушбу баҳаво, кенг ва мўл адабиёт дарсхонасида улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратларидан тортиб, аллома шоирларимиз, жадид адиллар, аттиги олти йиллар аввал шеър қуйлаб, овозлари янграб юрган азиз устозларимиз Эркин Воҳидов,

Абдулла Ориповгача, шундай қаҳрамон шоирларимиз қаторида — Зомин семинаридаёқ давлатимиз раҳбари назарига тушган Муҳаммад Юсуфнинг ўйчан ва мағрур ҳайкали қалдирғочлар қуршовида қад ростлаб турибди. Навқирон шеърятга қўйилган бу қўтлуғ ёдгорлик пойидан бирор кун, бирор соат ҳам саодатманд ўғил-қизларимизнинг қадами узилмайди. Шоир худди ёшларга қарата:

Алл ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркил элнин қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг,

деб уларни илм билан дунёга чиқишга даъват этаётгандек. Ушбу сатрлар худди кечагина ёзилгандай — бугун эса гуё шоир уни ўз муҳлисари-га ўқиб бераётир. Адабиётнинг одам болалари тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти нақадар бекиёс экани ижтимоий ҳаётимизнинг, айниқса, кейинги икки-уч йили мисолида кўз ўнгимизда бор бўйбастин билан намоён бўлмоқда. Очққ айтиш керак, илгор технологиялар ва мўъжизавий инновацион ғоялар замонида ёшларимизнинг астойдил завку шавк билан китобхонликка қайтаётгани ҳам, Президентимиз таъкидлаганидай “Адабиёт — халқнинг юраги” эканини рўй-рост исботламоқда.

Жадид боболаримизнинг аччиқ қисмати, машаққатли ҳаёт йўли ва юрт озодлиги орзу-армонларига тўла ижоди Муҳаммаддон дўстимизни ҳамиша изтиробга солган. Айнан шу мавзуда кўп-лаб шеър ва дostonлар битган. Айниқса, қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган “Қора кувш” дostonи шоирнинг чексиз меҳр-муҳаббати, Ватан фарзандлари, миллат ва давр фожиясига нисбатан юксак шoirлик муносабатидир. Масалан, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўпон ҳақидаги шеърда бундай дардли сатрларни битади:

Ўлса ўзи ўлар, Сўзи ўлмайди,
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.

Умуман, қийин ва қаттол тузумлар исканжасида ўн гулидан бир гули ҳам сўймай ёш кетган шоирлар, уларнинг жувонмарг жонюю увол кетган умри — ушбу қайғули мавзу Муҳаммад Юсуф ижодида алоҳида ўрин тутади. Яна Чўпонга мурожаат қилганидан бўлсак, шоир унинг “Кўкламоим” шеърини ниҳоятда яхши кўрар ва ўзи ҳам худди шу сарлаҳда шеър битиб, чўлпоншунос аллома Озод Шарафиддинов домлага чин юракдан ҳада этган эди.

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,
Кўкламоим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор кўйнидан зўрга сенга етиндим,
Кўкламоим, кўкингдан бер бир чимдим.

Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен,
Яна сенга етиндим, ўйкум мен,
Кўкламоим, кўкингдан бер бир чимдим.



Ёки Абдулла Қодирий сиймосига мурожаат қиларкан, шоир “Уткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, бу асарлардаги Отабек, Кумушбиби, Зайнаб образларига такрор-такрор шеърйй изоҳлар беради. Изоҳларнинг ўзигина эмас, бу муносабати билан мустабид тузум, истибод замонининг зулму зугумлари, ҳасад ва фитнакорлигига ҳам ўз нафратини билдиради. Уша замон жаҳолат бандаларининг манфур башарасини фoш этади.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана юришибди кийанлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўланлар,
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор.

Шу ўринда адабий-маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлган, миллионлаб қалбларга кенг акс-садо берган шарафли ва тарихий ҳужжат ҳақида тўхталмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг адабиёт ва адабиёт аҳли, марҳум шоир-ёзувчилар номи-хотирасини муносиб қадрлаш борасидаги ҳар бир қарори миллат тарихи ва адабиётига эътибор ва эҳтиромнинг юксак намунасидир. Мисол учун, Президентимизнинг “Оташын шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори улкан бир ҳақиқатнинг рўёбга

чиқишида, адабиётимизнинг шу пайтгача номаълум бўлган қатагон даври саҳифаларини ўрганиб, кенг халқ оmmasига етказиш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Муҳаммаддон Усмон Носирни, унинг бетакрор ижодини сидқидилдан яхши кўрарди. “Усмоннинг қисматин бу Ўзбекистон, Билгай кунлар ҳали кепмоғи бордир”, деб ёзганидай, бағишловлари, шеъру дostonларида Усмон Носир қисматини қуйларкан, “бардай узилиб кетган” шоир номи, хотираси улуғ элда юксак қадрланадиган вақтлар келишига чин юракдан ишонган эди.

Шу ўринда ўтган асрнинг кунботар палласи — мустабид тузумнинг таназулига яқин бир вақтда, 1988 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси томонидан тузилган комиссия таркибида Наим Қаримов, Ҳожиакбар Шайхов, Усмон Азим ва Нодира Рашидова билан Муҳаммад Юсуф ҳам Усмон Носирнинг қабрини излаб, олис Сибирнинг Кемерово ўлкасига сафар қилганини эслаб ўтмоқ жоиз. Муҳаммад Юсуфнинг шу сафар таассуротлари натижасида битилган “Усмон Носирни излаб...” мақоласи ҳажман унча салмоқли бўлмаса-да, адабий-тарихий ҳужжат сифатида ниҳоятда муҳимдир. Мана, ўша дардли сафарномадан бир парча:

“...Сибирда дафн этилган ўзбек шоири Усмон Носирнинг қабрини зиёрат қилиб келишга отландик. Урмонлар орасидаги Кемерово, кейин эса бир пайтлар савдогарлар шаҳри бўлган Маришска етиб олдик. Шоирнинг сўнғи маскани — Суслово қишлоғига озгина қолганда сафимиз яна ҳам кенгайди. Ниҳоят, бизни кутиб турган қишлоқ ахлига қўшилиб, белёён дала-мозорга ҳам етиб келдик. Бу ерда қанча одам ётаганини ҳеч ким аниқ билмайди. Эҳтимол, бир минг, эҳтимол, ўн минг одам бир-бирини қучоқлаб, тупроққа қоршиб ётгандир. Уларнинг орасида барча миллат фарзандлари бор. Уларнинг орасида бизнинг Усмон Носир ҳам бор... Тўғриси айтсам, то шу ерга етиб келгунча ҳар хил ўйга бордим. Ростдан ҳам, Усмон Носир бундами? Ахир, шу пайтгача уни Магаданда қолиб кетган дейишарди-ку? Мана, ўша қатагон йиллари лагерда ишлаган аёлни топдим. Унинг фамилияси ўша даврга мос — Сирота. Унга Уйғун, Усмон Носир, Амин Умарий бирга тушган суратни кўрсатамиз. Мана, — дейди у ҳеч иккиланмай Усмон Носирни кўрсатиб, — бизнинг кутубхонада ишлаган шоир. У ниҳоятда кўркам, ниҳоятда камгап ва... озғин эди!...”

Шоирнинг бу эсдалик-мақоласи бугунги кунда ҳам жуда долзарб. Айниқса, Президентимиз қароридан кейин Усмон Носир ҳаёти ва ижодини ўрганишда бу янглиғ ҳужжатли маълумотлар нақадар зарур ва ўта муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Муҳаммад Юсуф том маънода миллий шоир, шу билан бирга, умумбайшарий эзгу ғояларни тараннум этгани билан байналмилал ижодкор ҳамдир. Унинг инсоният бошига офат келтиргувчи ёвузликлар, балою қазо ва уруш қулфатларининг фожиявий оқибатлари, тинчлик ва омонликнинг қадр-қиммати ва шукронаси тасвирланган



шеърлари ижодининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шу боис, бошқа эллар, ўлкаларда, қардошлар ва тилдошлар диёрида ҳам унинг шеърларини севиб ўқишади. Узоққа бормайлик, яқиндагина Туркиянинг Анқара шаҳрида шоиримиз ижодиға бағишлаб ўтказилган халқаро адабий анжуман фикримиз далили бўла олади.

Гап шундаки, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси ҳамкорлигида Муҳаммад Юсуф шеърлари ва дostonлари “Muhammed Yusuf secmeler” номи билан турк тилига таржима қилиниб, яхлит китоб ҳолида нашр этилди. Шу муносабат билан ТУРКСОЙ бош қароргоҳида ўтган тақдими маросимида ўзбек адабиётининг кенг тарғиб қилинаётгани, хусусан, Муҳаммад Юсуф асарларининг туркий дунёдаги ўрни ҳақида ҳам фикрлар билдирилгани халқаро адабий алоқаларимиз тобора ривожлантаётганининг исботи бўлди.

Устоз Абдулла Орипов Муҳаммаддонни жуда яхши кўрарди. Ҳар хил дўст-нодўстлардан уни эҳтиётлар, асраб-авайлаб юрарди. Хусусан, “Бетакрор шоир” деб номланган мақоласида суюкли шоғирди ҳақида бундай илиқ ва меҳрли сўзларни битган эди:

“Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир куш сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Уша куш айнан Муҳаммаддоннинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрағида ошён қурганига мен астойдил ишonganман. Унинг кўзлари ҳам, чехраси ҳам ҳамиша латиф бир кўйни хошиш қилгандай эди... Муҳаммаддон яхши инсон эди. Яхши инсонларга эса бошқалар ҳамиша таппи-надилар. Одамдан одам узоқлашишини Худойим ҳеч кимга кўрсатмасин”.

...Ҳар йили кўкламининг авж палласида, ҳазрати Бобур айтганидай, баҳор айёмида беназир шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд санасини нишонлаймиз. Қизғалдоқлар сочилган Адиллар хиббонидаги шоир ҳайкали ҳам қалдирғочлар қуршовида, уларнинг вижир-вижир вал-фажрлари жўрлигида худди ҳозироқ шеър ўқиб юборадигандай...

Олтин бешик узра аллалар айтиб,
Ҳамиша бедорим — оназорим.
Ҳақласин жаранги тонгда уйғотиб,
Юрагимга кириб келган баҳорим!..

КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ

Байрамлар бўлсин бардавом!

Мамлакатимизда ўз ишини яқунлаган II республика “Китобхонлик ҳафталиги” том маънодаги китоб байрамига айланиб кетди ва минг-минглаб китобхонлар, айниқса, ёш авлод вакиллари қамраб олгани билан аҳамиятли бўлди. Ўтган йилгидан фарқли ўларок, ҳафталик нафақат таълим муассасалари ва кутубхоналар, балки аҳоли гавжум жойларга ҳам кириб борди.

Жумладан, тадбир доирасида китобхонлар ўзи севган шоир ва ёзувчилар билан учрашиш имкониятига эга бўлди, жойларда 300 дан ортиқ турли маданий-маърифий дастур, театр томошалари, дизайнер-рассомларнинг ижодий кўргазмалари ташкил этилди.

Бир ҳафта давомида юртимизда фаолият кўрсатаётган етакчи нашриётлар ва китоб савдоси ташкилотлари арзонлаштирилган китоб савдо ярмаркалари уюштирди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Меҳр кутубхонаси” ижтимоий лойиҳаси доирасида меҳрибонлик, мурувват ва саховат уйларига 3500 дан ортиқ китоб бегараз ҳада этилгани унга алоҳида маъно-мазмун бағишлади.

Пойтахт Тошкентда ҳам ҳафталик режасида белгиланган барча тадбирлар қутилганидек ташкил этилди. Китобхонлар Миллий кутубхонада бир пайтнинг ўзида бир нечта тадбирга гувоҳ бўлди. “Янги Ўзбекистон” — янгича дунёқараш, илмий тадқиқотлар ва ёшлар китобхонлиги” мавзусидаги давра суҳбатлари, “Бир адиб ҳақида” лойиҳаси доирасидаги тадбирлар, ношир ва кутубхоначилар ўртасида учрашувлар, букблогерлар иштирокида маҳорат дарслари шу масканда ташкил этилди.

Бош кутубхона, шунингдек, олий ўқув юрти талабаларидан таркиб топган жамоалар иштирокидаги “Заковат” интеллектуал ўйини, ноширлар ва болалар адибларининг учрашувларига ҳам гувоҳ бўлди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан ҳафталик доирасида Хитой тили ва маданияти фестивали ташкил этилгани ҳам унинг нуфузини яна бир қарра оширди, дейиш мумкин. Фестивалда хитой санъати, маданияти, хаттотлик асарлари кўргазмаси, анъанавий чой маросимлари, Конфуций номидаги ўзбек-хитой институти талабалари томонидан мусиқа ва рақслар намойиш этилди.

Миллий кутубхонадаги қатор тадбирлар билан бир вақтда “Мен севган кутубхонамга китоб совға қиламан” акцияси, мактаб ўқувчилари учун “Севимли китобим муқоваси” маҳорат дарслари, Беньков номидаги республика рассомлик мактаби ўқувчиларининг тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг “Magic City” боғи ҳудудида ташкил этилган махсус павильонларда нашриётлар томонидан арзонлаштирилган китоб савдо ярмаркалари ўтказилди. Чегирма билан ҳатто 10 минг сўмга ҳам яхшигина китоб сотиб олган тала-



балар бир-бирларини етаклаб келгани, қандай китобларга эҳтиёжлари борлигини айтганида, ноширларда янги ғоялар уйғонгани аниқ.
— Ҳақиқатан, мана шундай кўргазмаларда, ёшлар билан яқиндан суҳбатларда уларнинг қандай китобларни хошлаётгани яққол кўринар экан, — дейди “Янги аср авлоди” нашриёти бўлим бошлиғи Мирзоумар Халипов. — Ёшларнинг китобга муҳаббати ортаётганидан хурсандимиз. Ўзбек адиблари китоблари, ўзини ривожлантиришга доир асарларни кўпроқ сўрашди. Ҳарбийлар ҳам детектив, ватанпарварлик руҳидаги китобларни сотиб оляпти. Буларни қўриб, китобхонлик байрамлари бардавом бўлсин, дегинг келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1210
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худайкулов
Мусахҳас: Рўзикул Очилов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 23:08 Топширилди — 00:08

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz